

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ МАХСУС БЎЛИНМАЛАРИ ТУЗИЛИШИ ВА ЖАНГОВАР ҚЎЛЛАНИЛИШИ

*Чирчиқ ОТҚМБЮ
Тактика ва УҚФ кафедраси бошлиғи
подполковник F.T.Тўраев*

АҚШ махсус бўлинмаларини бевосита махсус оператсияни бажариш учун жанговар қўллаш бўйича режалаштириш ишлари қуролли кучлар Бош штаби (Флорида штати) томонидан бошқа ҳамкорликдаги қўшин турлари ва вазирликлар билан биргаликда амалга оширилади. [1]

Бир вақтнинг ўзида махсус бўлинмаларни режалаштириш ишларини амалга ошириш билан биргаликда бўлинмаларни махсус оператсияга тайёрлаш ишлари ҳам амалга оширилади, ушбу йўналишнинг асосий жиҳатларига:

бир қатор махсус бўлинмаларни юқори жанговар шайлик даражасига келтириш;

қуролли кучлар таркибида бир қанча тадбирларни амалга ошириш, жумладан,

махсус бўлинмаларни жанговар шайлигини кўтариш мақсадида ҳарбий хизматчиларни захарига бўшатишни тўхтатиш ва бир лавозимдан бошқа лавозимга кўчириш, ўз навбатида қуролли кучлар таркибидаги бўлинмалардан махсус бўлинмаларнинг асосий бўш жойларини тўлдириш тадбирларини амалга ошириш;

АҚШ бўлинмаларни режалаштирилгандан ташқари уларнинг жанговар шайлик ва қобилиятларини ошириш мақсадида Афғонистон шароитида ҳамкорликда ҳаракатланувчи махсус бўлинмаларининг олдида турган вазифани бажариш бўйича биргаликда ҳаракатланиш тактикасини мужасамлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

Ўзбекистон, Покистон ва Форс кўрфазида махсус оператсия бўлинма

кучларини жойлаштириш режалари бўйича тадбирларни амалга ошириш.

Ўз навбатида махсус бўлинмаларни қўллаш ўзининг хусусиятларига эга, яни бўлинмалар томонидан бажарилиши режалаштирилган вазифанинг муҳимлик жиҳати, ҳар-хил турдаги бўлинмалар билан ҳамкорликда бажариладиган вазифалар ва албатта ушбу вазифалар қисқа вақт оралиғида, қийин шароитларда бажарилади.

АҚШ ҳарбий сиёсий раҳбарларининг нигоҳида бугунги кунда МОК бўлинмаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, бу албатта ноодатий ва номунтазам душманнинг пайдо бўлганлиги, ушбу кучларни бошқарувини, давлат қуролли кучлардаги каби яқка бошчилик остида эмас балки координатсиялашган принципда амалга оширилаётганлиги деб баҳолайдилар. [1]

АҚШ махсус бўлинмаларининг Афғонистон ҳудудида ҳаракатланишлари учун бўлинмаларни группалаштириш ишларини тузиш ва махсус бўлинмаларни тўплаш 2001 йил октябр ойининг ўрталарида тамомланди.

Оператсияни ўтказиш учун “Делта” тезкор махсус отрядининг 5 махсус тайинланган гуруҳи, 75- Рейнджерлар пйёда полки, 160-армия авиатсияси, 96-алоқачилар баталони, қуруқликдаги қўшинлар таркибидаги 4- рухий таъсир этиш махсус бўлинмаси, 16 ва 193- ХХК махсус бўлинмаси, разведка-қўпоровчи махсус отряди, техник ва орт таъминоти бўлинмаларини иштироки таъминланди. [1]

2001 йилнинг декабр ойига қадар Арабистон ярим оролининг шимолий қисми махсус оператсия кучлари бўлинмаларининг база ҳудуди сифатида фойдаланилди ва АҚШ денгиз қўшинлари кучларига қарашли «Китти Хок» авиа ташувчиси ишлатилди, ушбу бўлинмаларнинг жанговар бўлинмаларнинг таркиби 11000 та ҳарбий хизматчидан иборат бўлган, ушбу бўлинмаларининг қуролланиши (ҳар-хил турдаги қуроллардан ташқари)

20 тагача . АС-130Н/У, эС-130Е, МС-130Е/Н/Р самолетлари ва 20 тагача МН-60К, МН-47Д и МН-53Ж вертолетлари билан қуролланган эдилар. [1]

Ўзбекистон республикаси ҳудудида АҚШ таъминот базаси бўлинмаларининг жойлашув базасини қўриқлаш ва бўлинмаларни жанговар ҳаракатларини таъминлаш мақсадида қуруқликдаги 10-пиёдалар дивизияси ҳарбий хизматчилари таркибидан 1000 дан ортиқ ҳарбий хизматчи жалб қилинган, АҚШ ДХК амфибия-десантчи гуруҳи таркибидан 100га яқин ҳарбий хизматчи Покистон ҳудудида Арабистон ярим оролида жойлаштирилади.

АҚШ қуролли кучлари махсус оператсия кучларининг бўлинмаларини жанговар ҳаракатларини умумий бошқаруви марказлаштирилган қўмондонлик штаби (АвБ Мак-Дилл), томонидан амалга оширилади. [1]

АҚШ махсус оператсия кучлари таркиби “Егилмас эркинлик” оператсияси мабойнида кўзга ташланарли даражада талофатлар кўрмади. Оператсиянинг вазифасидан келиб чиқиб, оператсиянинг ҳар-хил босқичида бўлинмаларнинг ташкилий таркиби, уларни бошқариш тизими ва албатта ўз навбатида бўлинмаларни режалаштирилган алмашинуви амалга оширилди.

2001 йилнинг декабр ойидан Афғонистон Ислом давлатига келган давлатлар таркибидан, яъни Буюк Британия, Австралия, Германия, Дания, Иордания, Канада, Янги Зеландия, Норвегия, ва Туркия махсус оператсия кучлари бўлинмалари таркибидан 400 га яқин ҳарбий хизматчидан иборат коалитсия гуруҳи кучлари тузилди. [1]

АҚШ қуруқликдаги қўшинларининг махсус бўлинмаларини Афғонистон ҳудудида жанговар қўллаш махсус оператсиянинг мақсадидан, куч воситаларнинг таркибий сонидан ва бажариладиган жангвар вазифани тавсифидан келиб чиқиб қуйидагича амалга оширилган:

Бўлинмалар олдида қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда махсус оператсиялар асосий ва умумий бўлмаган турларга бўлинган.

Умумий бўлмаган махсус оператсиялар асосий оператсияларга тайёргарлик кўриш ва бевосита оператсияни ўтказиш мабойнида ўтказилган. Куч воситаларнинг қўлланиш мақсади ва сонига, қўшин турига қараб махсус оператсияларнинг кўп қисми бирлашган ёки коалитсион турдаги махсус оператсия тури ҳисобланган, чунки бундай оператсияларга АҚШ махсус бўлинмалари, куруқликдаги бўлинмалари, уларнинг тарафдорлари ва албатта Афғонистон ислом республикасининг қуроли кучлари таркибидаги ҳарбий хизматчиларининг ҳам иштирок этиши таъминланган.

АҚШ махсус оператсия кучлари тарафидан Афғонистон ҳудудида олиб борилган махсус оператсияларни характериға қараб икки турға бўлиш мумкин, яъни жанговар ва жанговар бўлмаган оператсияларға бўлиш мумкин.

Жанговар махсус оператсиялар АҚШ қуроли кучлари ва уларнинг тарафдорлари томонидан Афғонистон ҳудудида олиб борилган жанговар махсус оператсиялар бу-махсус разведка, бевосита жанговар ҳаракатлар, жойларни ўрганиш, патрулик хизмати ва жойларда тозалаш ишларини амалға ошириш тадбирларини мужассам этади.

Махсус разведка ҳаракатлари АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари, денгиз қўшинлари кучлари ва Буюк британия қўшинларининг ракета-бомба зарбалари амалға оширилгандан кейин АҚШ разведка қўпоров гуруҳи бўлинмалари томонидан махсус разведка ҳаракатларини амалға ошириш тадбирлари олиб борилган.

Разведка қўпоров гуруҳлари таркиби 6-12 та ҳарбий хизматчидан ташкил топган бўлиб АҚШ куруқликдаги бўлинмасининг 5-махсус тайинланган гуруҳи таркибидан тузилган, ўз навбатида ушбу гуруҳ таркибида авиатсия зарбаларини йўналтирувчи ҳам ҳаракатланган. [1]

Махсус разведканинг асосий вазифалар жумласига “Толибон”, “Ал-қоида” террорчи гуруҳларнинг асосий тайёргарлик лагерларини, жойлашув ҳудудларини, жанговар техника ва қуролилар сақлаш омборларини жойлашган жойларни, раҳномаларнинг яшириниш эҳтимоли мавжуд жойларини

аниқлаш ва ушбу ҳудудларга авиатсия зарбаларини йўналтириш маълумотларни тайёрлаш ва авиатсия зарбаларини йўналтириш, натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш асосий вазифалар жумласига кирган.

Оператсиянинг бошланғич босқичида разведка қўпоров гуруҳи жангчилари уларга юкланган жанговар вазифаларни бажариш учун пиёда ва отларда йўл бошловчиларнинг кўрсатган хавфсиз йўлларида ниқобланиш талабларига қатъий риоя қилган ҳода, душман билан тўқнашишдан чекиниб ҳаракатланганлар, агарда разведка гуруҳи душман томонидан аниқланганда уларни АҚШ қуруқликдаги Ҳаво қўшинлари кучлари томонидан вертолетлар ёрдамида тезда эвакуатсия қилинган ва хавфсиз жойга кўчирилган, ушбу амалий ҳаракатлар ўз навбатида разведка гуруҳи жангчилари ўртасида талофат кўриш олди олинисига замин яратилган.

Кейинчалик асосий оператсия базаларида, яъни Қандахор ва Баграм шаҳарларида АҚШ бўлинмалари қуруқликдаги қўшинлари ва денгиз кучлари таркибидан 30-60 дақиқа вақт ичида шай турувчи тезда ҳаракатланиш гуруҳи ташкил этилди, ушбу гуруҳ разведка қўпоров гуруҳи командирининг чақирувига асосан тезда вертолетларда этиб келган ва РҚГни жанговар тўқнашув жойидан талофатсиз эвакуатсия қилишга кўмаклашганлар, РҚГ жангчилари ёрдам кучи этиб келгунга қадар душманнинг кичик гуруҳлари билан олиб борилган жанговар ҳаракатларни амалга оширганлар, душманни асирга олиш, йўқ қилиш ва талофат этказиш ҳаракатларини мустақил амалга оширганлар, жанговар тўқнашув ҳудудида душман сон жиҳатдан кўп учраган вақтда РҚГнинг ҳаракатларини ХХК таркибидаги АС-130Н/У ишғол қилиш самолетлари, денгиз кучлари қирувчи бомбардимончи самолетлари Ф/А-18 ва ҳавода навбатчиликни ўтаётган қирувчи самолетлар РҚГ жанговар тўқнашув ҳудудига этиб келганлар, уларнинг белгиланган ҳудудга учиб келиш вақти 30 дақиқадан ошмаган. [1]

Бевосита жанговар ҳаракатлар асосан рейд, босқин, ҳудудни қуршаб олиш, Толибон ислом ҳаракати ва Ал-қоида террорчи гуруҳларни йўқ қилиш мақсадида пистирмалар ташкиллаштириш, раҳномаларини асирга олиш,

жойларни муҳим ва асосий ҳудудларини эгаллаб олиш ҳаракатларидан иборат бўлган.

АҚШ махсус оператсия кучлари бундай кўринишдаги махсус оператсияларни 2001 йилнинг 20 октябр куни тунги вақтда Қандахор шаҳри теварагида ўтказишди, оператсиянинг асосий мақсади Толибон террорчи гуруҳининг маънавий раҳбари М.Умарни яширин жойини ва дала аэродромини қўлга киритишдан иборат бўлган. Ушбу оператсияни ўтказиш мабойнида паст баландликлардан ҳаво десантини ташлаш орқали 75-рейнджерлар полки жангчилари таркибидан иборат бўлган 100 ҳарбий хизматчи жалб қилинди. [1]

Америкаликлар тарафидан тарғибот ишларини амалга ошириш мақсадида ҳаво десантини ташлаш тадбирлари телевизор орқали эфирга чиқариш билан намойиш этилди, оператсия мақсадига эришилмаган бўлсада бор йўғи оператсия бир неча соат давом этди холос. Кейинчалик АҚШ махсус оператсия кучлари тарафида шунга ўхшаш оператсиялар (асосан ҳаво десантини ташлаш орқали амалга оширилган ҳаракатлар) Афғонистон ҳудудида амалга оширилмади.

Ҳудудни ўрганиш тадбирлари бевосита жанговар ҳаракатларни амалга оширишдан аввалроқ алоҳида гуруҳлар таркиби томонидан амалга оширилган. Ҳудудни ўрганишдан асосий мақсад жойнинг физик-географик ҳолатини билиш, аҳоли ўртасида сўровнома ва суҳбатлар ўтказиш йўли билан, кузатиш ишларини амалга ошириш орқали душман кучларининг эҳтимолий йўналиш томонларини, уларнинг қурол-яроғ, озик-овқат учун тайёрлаб қўйилган яширин тайник ва схронларини аниқлаш асосий мақсад этиб белгиланган.

Ҳудудни ўрганиш гуруҳи таркиби 6-12 кишидан иборат бўлган кичик гуруҳлардан ташкиллаштирилган бўлиб АҚШ армияси қуруқликдаги кучлар бўлинмалари ва уларнинг тарафдор мамлакатларнинг бўлинмаларидан тузилган, ушбу гуруҳ асосан пиёда ва уловларда (отларда) ёки юқори юриш

тезлигига эга бўлган «Хаммер» автомобил техникаларида Афғонистон давлат кўшинларининг кузатувида ҳаракатланганлар. [1]

Ҳудудда патруллик хизматини ташкиллаштириш ушбу тадбирлар кўпинча куннинг ёруғ вақтида махсус оператсия кучлари бўлинмалари жойлашган ҳудуд теварак атрофида хавфсизликни таъминлаш мақсадида ташкиллаштирилган.

Патруллик хизматини ташкиллаштиришдан асосий мақсад ушбу ҳудудда ҳаракатланаётган техника ва фуқароларни шахсини аниқлаш ва текширувдан ўтказиш ҳисобланган. Бу тадбирлар ҳаркатдаги патруллар (пиёда, уловларда ҳаракатланаётган гуруҳ, мототсиклда ва автомобилда) томонидан амалга оширилган

Қандахор ва Баграм шаҳарларида жанговар вертолетларни учираш орқали ҳудуд хавфсизлигини таъминлаганлар, ушбу ҳудудда пайдо бўлган барча шубҳали шахсларни, техника воситаларини тезда ушлашган ва улар батафсил текширувдан ўтказилганлар.

Ҳудудда тозалаш ишларини амалга ошириш махсус оператсия кучларини жойлаштириш ишларини амалга оширидан аввалроқ ёки бевосита жанговар ҳаракатлар амалга оширилган ҳудудларда жангариларни йўқ қилиш ва халқдан қурол яроғларни олиб қўйиш мақсадида амалга оширилган. Ушбу турдаги оператсияларни Афғонистон қуролли кучлари бўлинмалари ва ҳудудий политсия вакиллари томонидан, коалитсия махсус бўлинмаларининг каттиқ назорати остида амалга оширилган.

Оператсия ўтказиш ҳудуди биринчи навбатда блокпост ва пистирмалар қўйиш орқали қуршаб олинган, кейинчалик ҳудудда яшаётган аҳоли, уларнинг уйлари ва аҳоли яшаш пунктлари теварак-атрофида тозалаш ишлари амалга оширилган.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Интернет сайти. [ptth://www.Армия США](http://www.Армия США).